КПСС XXV съезди қарорларини амалга оширамиз

ЗАРБДОР МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 112 (6224).

10 ИЮНЬ ШАНБА

1978 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

50 ЦЕНТНЕР УЧУН

Оҳунбобоев номли колхознинг Туркман Давилов бошлиқ бригадаси пахтазорларида иш қизғин. Деҳқонлар ўзларига ажратилган карталардаги ниҳолларни меҳр билан парвариш қилмоқдалар. Бригада далаларида бегона ўт йўқотилди. Кўчатларнинг атрофи юмшатилмоқда. Механизаторлардан Т. Холҳўжаев, Д. Тўқимбоевлар тракторларни моҳирлик билан бошқариб, кундалик нормаларини бир ярим баробардан бажаришяпти.

Колхозчилардан А. Умматалиев, К. Кенгашевлар ғўза қатор ораларига сув тарашда ғайрат кўрсатишмоқда.

Биз бригада бошлиғи билан гаплашдик. У дала ишларининг бориши ҳақида гапириб берди.

— Ўтган ойда, — деди у, — барча майдонлардаги ғўза икки маротаба культивациядан чиқарилди. Лекин ҳали текис ривож олмаган кўчатларимиз ҳам бор. Шуни ҳисобга олиб июнь ойини зарбдор ой, деб эълон қилдик ва бажарилиш зарур бўлган ишларни белгилаб чиқдик.

Пахтакорларимиз июнь ойида янада зўр ғайрат ва шижоат кўрсатиб меҳнат қилишади. Социалистик мусобақа кенг қулоч ёйдирилади, қатор оралари икки марта комплекс ишловдан чиқарилади. Ғўзаси ўсишдан орқада қолаётган пайкалларга эса қўшимча ишлов бериб, яхши ғўзалар қаторига етказиб оламиз.

Биз бу йил минерал ва маҳаллий ўғитлардан янада кўпроқ фойдаланишга аҳд қилдик. Яхши ва кўп ўғитланган майдонлардаги ғўзаларнинг тезроқ ҳосилга киришини таъминлаймиз.

Ҳар гектар ердан 50 центнердан «оқ олтин» етиштириш учун қурашаётган пахтакорлар ўз сўзларининг устидан чиқишларига ишончимиз комил.

Ҳ. ШЕРОВА.
Чиноз район.

ҚИШЛОҚ КОММУНИСТЛАРИНИНГ ШАРАФЛИ БУРЧИ

СОВЕТ кишилари шуни яхши биладиларки, қаерда қийинчиликлар бўлса, шу ерда коммунистлар олдинги сафда бўладилар. Совет кишилари шуни биладиларки, қандай кор-хол рўй бермасин, коммунистлар уларни доғда қолдирмайдилар. Совет кишилари шуни биладиларки, партия бўлган жойда муваффақият бор, ғалаба бор! Халқ партияга ишонади. Халқ партиянинг ички ва ташқи сиёсатини тўла-тўкис қувватламоқда. Бу эса партиянинг бир кучига ўн куч қўшмоқда. Партия учун битмас-туганмас куч-ғайрат манбаи бўлмоқда.

Л. И. БРЕЖНЕВ.

БЕШ йилликнинг учинчи йилида қишлоқ меҳнаткашлари олдида улкан вазифалар турипти. Деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини ҳар қачонгидан кўпроқ етиштириш, халқимизнинг тобора ўсиб бораётган моддий эҳтиёжларини ва талабларини тўлароқ қондириш — колхозчилар, совхоз ишчилари, район партия, совет ва хўжалик органлари, бошланғич партия ташкилотлари ва қишлоқ коммунистларининг шарафли бурчидир. Бу йил деҳқончилигида жиддий ва оғир вазият юз берди. Бу қийинчиликлар айниқса пахтакорларимизни саботматонат, ғайрат ва ташаббус кўрсатиб ишлашга, табиий қийинчиликларни мардонавор туриб енгишни талаб этмоқда.

Шу кунларда ҳамма ерда бутун техника воситалари, ишчи кучлари дала ишларига сафарбар қилинган. Узлуксиз ёғингарчилик оқибатларини тугатиш, ҳар қандай шароитда ҳам экинлар парваришини кучайтириб, кўчатларни сақлаб қолиш учун ҳамма чора ва тадбирлар кўрилмоқда. Кўпчилик хўжаликларда чигит қайта экилди, қатқалоқ натижасида ниҳолларнинг ривожи пасайди. Намгарчиликнинг ҳаддан ташқари кўп бўлганлиги сабабли кўчатлар белгиланган миқдордаги нисбатини ололмаяпти. Ёввойи ўтлар ўсиб, қишлоқ хўжалиги зараркунандаларининг кўпайиб кетиши ҳолларини юз бермоқда.

Бундай шароитда оқилона иш тутиш, кўп йиллик тажрибаларни ишга солиш, ҳар бир қулай имкониятдан фойдаланиш, тажрибакор деҳқонлар ва механизаторлар билан бамаслаҳат иш тутиш, ҳар қандай қийин вазият юз берганда ҳам саросимага тушмаслик, аксинча, жасорат ва маҳорат, фидокорлик ва ташкилотчилик кўрсатиш лозим. Область партия комитети бу соҳада оператив, амалий чоралар кўрмоқда. Бундай тадбирлар районлар, колхоз ва совхозларда ҳам амалга оширилмоқда.

Яқинда Бўка районида область қишлоқ хўжалиги ходимларининг маслаҳат-йиғилиши бўлди. Область партия комитети томонидан уюштирилган бу йиғинда ҳозирги вазият, қийинчиликларни қандай қилиб енгиш, экинларнинг тез ривожланишини таъминлаш учун нима ишлар қилиш, қандай тадбирлар кўриш лозимлиги атрофлича маслаҳатлашиб олинди. Қимматли тавсиялар, берилган маслаҳатлар барча колхоз ва совхозларда тезда амалга оширилиши ҳамда қўшимча чора ва тадбирлар кўрилиши лозим.

Матбуотда Коммунистик ва ғалаба районлари партия комитетлари ҳамда Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхози правленияси ва партия ташкилотчиларининг оби-ҳавонинг ноқулай келганлиги туфайли содир бўлган қийинчиликларни бартараф этиш юзасидан белгилаган тадбирлари эълон қилинди. Бу районлар ҳамда кўпчилик колхоз ва совхозларнинг деҳқонлари, коммунистлари ҳосил тақдири учун умумий сафарбарлик эълон қилиб, яхши намуна кўрсатмоқдалар. Ҳар бир карта, ҳар бир кўчат қўшимча равишда озиқлантирилмоқда.

Янгийўл район партия комитетининг кенгайтирилган бюро мажлисида ғўза ва бошқа хил қишлоқ хўжалик экинлари парваришини кучайтириш, озуқа тайёрлаш топшириқларини бажариш, чорва маҳсулдорлигини оширишнинг зарур чораларини атрофлича муҳокама қилинди ва беш йилликнинг учинчи йилида қабул қилинган юксак социалистик мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш мақсадида дала ва фермаларда 90 кунлик зарбдор меҳнат эълон қилинди.

Шуни айтиш керакки, айрим хўжаликларнинг раҳбарлари бу йилги оби-ҳаво қийинчиликларини зудлик билан бартараф этиш ўрнига турли баҳоналар изламоқдалар, ҳосил тақдири ҳақида жиддий қайғурмаяптилар, қўшимча тадбирлар белгилаб, омманинг шижоати, куч ва ғайратини тўла ишга солмаяптилар. Табиатдан хайр-эҳсон кутмай, ўз кучимиз, имкониятларимиз ва техникани ишга солишимиз, совет кишисига, коммунистга хос ватанпарварлик намуналарини кўрсатиб ишлашимиз керак.

Қишлоқ партия ташкилотлари, коммунистлар ҳар галгидек намуна кўрсатадиган, ташкилотчилик ишларини кучайтирадиган пайтлар келди. Коммунист номи—улуғ, шарафли ва фахрли ном. Бу номга муносиб бўлиш, барча соҳаларда намуна кўрсатиб, олдинги сафда бориш муқаддас бурчимиздир. Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли, Коммунистик районидаги «Политотдел», Янгийўл районидаги «Коммунизм», Ленин номли, Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхозлари, ғалаба районидаги «Узбекистон ССР беш йиллиги» совхози партия ташкилотлари ҳосил тақдири учун курашда қишлоқ меҳнаткашларига бошчилик қилмоқдалар.

Деҳқончиликда масъулиятли дамлар бошланди. Бир кампания кетидан иккинчиси давом этмоқда. Ғўза парваришибилан бир қаторда ғалла ўрим-йиғими ҳам қизғин тус олмоқда. Давлатга эртаки сабзавотлар етказиб бериляпти. Бу йилги шароитда икки-уч йилга етадиган миқдорда ем-хашак тайёрлаш асосий вазифа қилиб қўйилди. Бу ишлар ва бошқа вазифаларни ўз вақтида ўтказиш — қишлоқ меҳнаткашлари, партия ташкилотлари ва коммунистлардан катта масъулият ҳамда матонат кўрсатиб ишлашни талаб этади.

Ҳамма ерда зўр уюшқоқлик, мустаҳкам интизом, топширилган иш учун қатъий талабчанликни таъминлайлик. Илғор хўжаликлар, партия ташкилотлари амалга ошираётган ишларни кенг пропаганда қилиб, юз берган қийинчиликларни тезлик билан енгиш учун курашайлик. Халқ партияга, коммунистларга ишонди. Улар ҳар қандай вазиятда ҳам, ҳар қандай шароитда ҳам мамлакатни ғалаба сари олға бошлаб бормоқдалар. Шу билан бирга ўртоқ Л. И. Брежнев айтганидек, коммунистлар ҳам шуни яхши биладиларки, мамлакатга раҳбарлик қилишни коммунистларга ишониб топшириб қўйган халқ ғоят меҳнатсевар, мардонавор, чидамли, саховатли, истеъдодли ва доно халқдир.

Республикамиз, шу жумладан областимиз меҳнаткашлари, партия ташкилотлари, совет ва хўжалик органлари, коммунистлар табиат инжиқликлари туфайли юз берган қийинчиликларни мардонавор енгмоқдалар. Улар бу йил эмас, бундан олдинги йилларда ҳам ана шундай сабот-матонат, ғайрат ва шижоат кўрсатган эдилар. Шунинг учун ҳам белгиланган марралар шараф билан эгалланди, республикамиз экономикаси ва маданияти йил сайин юксалиб, халқимизнинг турмуш фаровон бўлиб бормоқда. Партия ташкилотлари ва коммунистлар ҳамма соҳада илғор, авангард, ташаббускор бўлиб, халқимизни янги зафарларга, коммунизмнинг ёрқин чўққилари сари бошлаб бораверадилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети

СССР ПАРТИЯ-ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ЧЕХОСЛОВАКИЯ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИГА ҚИЛГАН ВИЗИТИ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев бошчилигидаги СССР партия-ҳукумат делегациясининг шу йил 30 майдан 2 июнгача ЧССРга қилган расмий дўстона визити якунларини кўриб чиқдилар.

Совет делегациясининг ЧКП Марказий Комитети Бош секретари, ЧССР президенти Г. Гусак бошчилигидаги Чехословакия партия-давлат раҳбарлари билан олиб борган музокаралари, шу музокаралар натижасида қабул қилинган қўшма баёнот иккала мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни шубҳасиз юксак поғонага кўтаради, Совет—Чехословакия муносабатларини бундан буён ҳам ҳар томонлама ривожлантиришни таъминлайди. Партия, давлат органлари, жамоат ташкилотлари йўли билан алоқаларни кучайтириш, ишлаб чиқаришни кооперативлаш ва ихтисослаштиришни, фан ва маданият соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, халқаро майдонда муштарак мақсадлар учун курашда актив ҳамжиҳатлик—мана шуларнинг ҳаммаси иккала қардош халқларнинг муносабатларини сермазмун қилади, улар олдида турган социалистик ва коммунистик қурилиш вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш имконини беради.

Чехословакия меҳнаткашларининг кенг оммаси совет делегациясини сидқидилдан кутиб олганлиги Совет—Чехословакия дўстлиги мустаҳкам ва теран эканлигини кўрсатувчи янги ёрқин намойиш бўлиб қолди. Визит шуни яна бир марта жуда яққол тасдиқладики, замон синовидан ўтган бу дўстлик ҳозирги вақтда социализмнинг халқаро позицияларини ва тинчлик ишини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб қолмоқда.

Визит кунларида социалистик давлатларнинг тинчликни мустаҳкамлаш йўлида куч-ғайратларни аямасликка қатъий аҳд қилганликлари Прагада янги куч билан намоён бўлди. Қуролланиш пойгасининг янги хатарли даврасини бошлашга, халқаро кескинликни юмшатишни барбод этишга ҳар хил соҳта баҳоналар билан уринаётган кимсаларга муносиб зарба берилди. Халқаро вазиятнинг актуал проблемалари юзасидан Совет Иттифоқи билан Чехословакиянинг яна бир бор баён этилган принципиал позициясини барча тинчлик ва социал тараққиёт тарафдорлари мамнуният билан кутиб олишларига шак-шубҳа йўқ.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети Л. И. Брежнев ва совет партия-ҳукумат делегацияси аъзоларининг фаолиятини тўла-тўкис маъқулладилар, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети тегишли партия, совет ва хўжалик органларининг визит давомида Совет ва Чехословакия томонлари эришган аҳдлашувларнинг батамом ва ўз вақтида амалга оширилиши учун барча зарур ишларни қилишни принципиал муҳим деб ҳисоблайдилар.

ТЕАТР БАЙРОҒИДА ОРДЕН

САМАРҚАНД, 9 июнь. (ЎзТАГ). Бугун бу ерда Ҳамид Олимжон номли Самарқанд область ўзбек драма театрига Меҳнат Қизил Байроқ ордени топширишга бағишланиб жамоатчиликнинг тантанали йиғилиши бўлиб ўтди. Ўзбекистоннинг энг кекса ижодий коллективларидан бири совет театр санъатини ривожлантиришдаги хизматлари учун шу мукофот билан тақдирланди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов давомли қарсаклар остида театр байроғига орденни тақиб қўйди ва ижодий коллективни қизғин табриклади ҳамда унга ишда янги-янги муваффақиятлар тилади.

Бундан олтмиш йил муқаддам ташкил этилган бу театр биринчи кунларданоқ янги ҳаётнинг актив пропагандисти, социалистик маданият жарчиси бўлди. Коллектив шу йиллар мобайнида ўз томошабинларини рус ва чет эл драматургияси классикларининг кўпгина ажойиб асарлари билан, ўзбек миллий драматургияси билан таништирди. Самарқандликларнинг севимли театри репертуари ҳозирги вақтда бой ва ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Ингилишда «Аёллар меҳнати» бадиий-гилам тўқиш фабрикасининг тўқувчиси С. Лукмонова, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, драматург Дўшан Файзиев, Жомбой районидаги «Партия XXII съезди» колхози партия комитетининг секретари У. Маматқулов, Садриддин Айний номли давлат педагогика институтининг студенти Ҳ. Бердиева шу ҳақда гапирдилар.

Театр директори, республика халқ артисти Т. Қурбонов коллективнинг меҳнатига берилган юксак баҳо учун партия ва ҳукуматга қизғин миннатдорчилик билдирди, театр санъатида социалистик реализм байроғини бундан кейин ҳам баланд кўтаради, халққа садоқат билан хизмат қилади, деб ваъда берди.

Ингилиш иштирокчилари КПСС Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневга баланд руҳ билан мактуб қабул қилдилар.

ЁШ ОЛИМЛАРГА ЭЪТИБОР

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мажлислар залида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президиуми, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг бюроси ва Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги коллегиясининг илмий ёшларнинг профессионал-техник маҳоратини оширишда комсомол комитетлари, ёш олимлар ва мутахассислар советларининг ишларини янада яхшилаш масалаларига бағишланган қўшма йиғилиш бўлиб ўтди.

Қўшма йиғилишни СССР Фанлар академиясининг академиги, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти О. С. Содиқов кириш нутқи билан очди. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети илмий-ёшлар бўлимининг мудири Ҳ. Ҳ. Ҳамидов республика комсомоли Марказий Комитети қошидаги ёш олимлар ва мутахассислар Советининг иши ҳақида ахборот берди.

Йиғилишда Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. Ғ. Ғофуржонов, Ўзбекистон ССР олий ва ўрта махсус таълим министри Ғ. А. Абдураҳмонов, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, ҳисоблаш марказли Кибернетика институти директори В. Қ. Қобулов, ВЛКСМ Марказий Комитетининг илмий ёшлар бўлими мудирининг ўринбосари Н. С. Слезцов, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Н. И. Искандаров ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Қўшма йиғилишда кўрилган масала юзасидан аниқ тадбирлар ва тавсиялар қабул қилинди.

М. РАҲМОНОВ.

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

НАМАНГАН, 9 июнь. (ЎзТАГ). Бу ерда партия, совет ва хўжалик раҳбарлари, қишлоқ хўжалиги мутахассисларининг иштирокида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Конференция иштирокчилари партия XXV съезди ва КПСС Марказий Комитетининг 1977 йил декабрь Пленуми қарорлари асосида меҳнатни илмий негизда ташкил қилиш йўли билан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш вазифалари тўғрисида Наманган область партия комитетининг биринчи секретари М. Камоловнинг докладини муҳокама қилдилар.

Докладчи ва сўзга чиққан нотиқлар область қишлоқ хўжалик меҳнатчиларифан ютуқлари ва илғорлар тажрибасини жорий этиш соҳасидаги тадбирларни қандай амалга ошираётганликлари тўғрисида, меҳнат коллективларининг келгусидаги режалари ҳақида гапириб бердилар. Пириқлаштирилган пахтачилик бригадаларида ва механизациялашган звеноларда меҳнатни ташкил этиш масаласига катта эътибор берилди.

Конференцияда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Р. Қурбонов нутқ сўзлади.

КУБА РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЭСДАЛИК МЕДАЛИ ТОПШИРИЛДИ

Куба Республикаси давлат кенгашининг топшириғига биноан, Куба Республикасининг Совет Иттифоқидаги элчиси Северо Агирре Дель Кристо 9 июнь куни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневга «Куба революцион қуролли кучларининг XX йиллиги» эсдалик медали топширди. Медаль «Гранма» яхтасидан бир группа кубалик ватанпарварлар сонидаги туширилганлигининг 20 йиллигини нишонлаб, таъсис этилганди. Шу группа Куба революцион қуролли кучларининг ибтидоси бўлганди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев юксак мукофот учун Куба Республикасининг раҳбарларига сидқидилдан ташаккур билдирди.

(ТАСС).

А. Н. КОСИГИН МОСКВАГА ЖЎНАБ КЕТДИ

ИВАНОВО, 9 июнь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин бугун Ивановодан Москвага жўнаб кетди.

ЭСТЕТИК ТАРБИЯНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

Узбекистон ССР Маориф министрлиги томонидан ўтказилган VIII республика илмий-амалий конференцияси ўз ишини тугатди. Бу конференция Ангрен шаҳрида ўтказилди ва «КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартияси XIX съезди қарорлари асосида тарбияга комплекс муносабатда бўлишни амалга оширишда эстетик тарбиянинг роли» темасига бағишланди.

Конференция иштирокчилари икки кун давомида еттита секцияда ўқувчилар ва студент ёшларни эстетик тарбиялашнинг кенг доирадаги масалаларини атрофлича муҳокама қилдилар. Ҳаммаси бўлиб 150 га яқин нутқ тингланди.

Республикамиз пойтахти ва пойтахт области халқ маорифи системасининг ҳодимлари ҳам конференцияда қатор қизиқарли ахборотлар билан чиқдилар. Жумладан, Тошкент область халқ маорифи бўлими мудирининг ўринбосари В. Ш. Шинд, Оржоникидзе районидаги 10-мактаб ўқитувчиси Г. Қ. Қорабекова, Ангрендаги 20-мактаб директори Т. В. Пак, Сергели районидаги 508-болалар боғчаси мудираси А. Н. Кромина, Низомий номидаги Тошкент педагогика институтининг ўқитувчиси В. А. Сусина ва бошқаларнинг ахборотларини конференция иштирокчилари зўр қизиқиш билан тингладилар.

Конференция ишида Тошкент область партия комитетининг секретари А. М. Хўжаев, Узбекистон ССР Маориф министри С. Ш. Шермуҳамедов, область ижроия комитети раиси ўринбосари Г. Б. Йўлдошева иштирок этдилар.


Конференцияда амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.



Оққўрғон районидаги Султон Сегизбоев номли совхоз механизаторлари бошоқли экинлар ўримини қизитиб юбордилар. Донни ўз вақтида нес-нобуд қилмай йиғиштириб олишда комбайнчилардан Николай Кондрашин ўз ҳамкасбларига ўрнак кўрсатмоқда. Суратларда: (чапда) илғор комбайнчи Н. Кондрашин ҳамда агроном Т. Бухоров. Ўнгда эса йиғим-терим пайти.

Г. Пун фотолари.
(ЎзТАГ).

ЭРТАГА — ЕНГИЛ САНОАТ ХОДИМЛАРИ КУНИ





МУСОБАҚА, САМАРАДОРЛИК, СИФАТ

Пискент пахта тозалаш заводи областимизнинг пешқадам корхоналаридан ҳисобланади. Турли миллат вакилларини ўзига бирлаштирган бу завод коллективини ташаббускор деб ҳам бежиз айтишмайди. Корхона кучи-хизматчилари областимиз пахта тозалаш саноати заводлари коллективлари ўртасида бошланган қатор ватанпарварлик ҳаракатларининг ташаббускорлари бўлишган. Улар ўтинчи беш йилликнинг уч йиллик планини СССР Конституциясининг бир йиллиги кунигача бажариш учун курашмоқдалар. Корхона директори ИЛҲОМ АБДУРАҲМОНОВ коллективнинг шу мажбуриятни бажариш йўлида қилаётган ишлари ҳақида мухбирларимизга қуйидагиларни ҳикоя қилиб берди:

— Ҳақиқатан ҳам коллективимизнинг бу мажбурияти анча масъулиятли. Ун йиллик планни ҳаётимиз Асосий Қонунининг бир йиллиги кунигача бажаришнинг ўзи бўлмайди. Лекин, ваъда вафоси билан гўзал, дейишади. Шундай экан унга амал қилиш ҳам фарз, ҳам қарз. Бажарилмайдиган мерранн белгилашнинг нима ҳожати бор. Шунинг учун ҳам мажбуриятни олишдан олдин уни бажариш омилларини тўла аниқлаш лозим.

Коллективимиз шунга амал қилди. Биз барча резервлар ва имкониятларни ҳисоблаб чиқдик. Айни вақтда пахтекорларимиз етиштирадиган «оқ олтин» миқдорини ҳам эътибордан четда қолдирмадик. Чунки, ишимизнинг унумли ва сифатли бўлиши асосан қалби оташ деҳқонларимизга боғлиқ. Улар қанчалик кўп ва сифатли хом ашё етказиб беришса, ишимиз шунчалик баракали, меҳнатимиз кўрсаткичлари шунчалик юксак бўлади.

Шундай қилиб янги мажбуриятни олишда етти ўлчаб бир кес, деган халқ мақолига қар томонлама амал қилдик. Кейингина юксак ваъдани олдик. Уни раҳбар партия ташкилотлари, хўжалик органлари маъқуллашди. Бу мажбуриятни бажаришга нисбатан масъулиятимизни янада оширди. Ҳар қандай шароитда ҳам унинг уддасидан чиқиш, бу билан юзимизнинг ёруғ бўлишига эришиш муқаддас бурчимиз бўлиб қолди.

Мажбуриятлар барча ишчи-хизматчилар ўртасида кенг тушунтирилди. Корхона маъмурияти, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишларини ҳам ана шу мақсадга сафарбар этмоқдалар. Эндиликда барча ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчилар бир тан бир жон бўлиб, социалистик мажбуриятни бажариш иштиёқида ҳормай-толмай меҳнат қилмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактуби коллективимиз куч-гайратини янада оширib юборди. Меҳнат кўтаринкилиги мисли кўрилмаган даражага етди. Унумли ва сифатли ишлаш ҳамма учун меҳнат шиори бўлиб қолди.

Биз ютуқлар гарови бўлган социалистик мусобақани ташкил этиш, унинг янги-янги формаларини жорий қилиш, бу ватанпарварлик ҳаракати давомида вужудга келган илғор ташаббусларни оммалаштиришга алоҳида эътибор билан қараяпмиз. Ҳозир корхонамизда ойлик, ўн кунлик, бир кунлик мусобақа йўлга қўйилган. Илгари эса унинг формалари бунчалик кўп эмас эди.

Мусобақа натижаларини якунлашда маҳсулот сифатига, ҳар бир тонна пахта хом ашёсидан ажратиб олинадиган тола миқдори, таннархи, тежамкорлик ҳисобга олинади. Бошқа жуда кўп кўрсаткичлар ҳам назарда тутилади. Жумладан, ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомига амал қилиш, технология режимига қатъий риоя қилиш, асбоб-ускуналарнинг яхши ҳолатда бўлиши ва бошқалар. Бир сўз билан айтганда мусобақага комплекс ёндошилади.

Тажриба, бу тартиб яхши самара беришини исбот этмоқда. Мусобақани ана шундай босқичли бўлиши ҳар бир коллектив, ҳар бир участка ва смена, ҳар бир ишчи-хизматчини унумли ва сифатли ишлашга нисбатан иштиёқини қучайтиряпти. Бутун бир коллективнинг иши кўп жиҳатдан унинг ҳар бир аъзоси ишига ҳам боғлиқ бўлмоқда. Агар коллективнинг бирор аъзоси тартиб ёки интизомни бузадиган бўлса, ундан бутун коллектив маълум даражада зарар кўради. Бундай коллектив ғолиб деб топилмайди, демак, иш натижаси қанчалик юксак бўлишидан қатъий назар рағбатлантиришдан маҳрум этилади.

Бу барча сменаларда меҳнат интизомининг яхшиланишига олиб келяпти. Интизом бор жойда эса талаба бор. Шунинг учун ҳам коллективимиз меҳнати натижаси баракали бўлмоқда, давлат планлари ва социалистик мажбуриятлар шараф билан адо этиляпти.

Корхонамизда уч смена ташкил этилган. Бу сменаларни бригадалар деб ҳам атайверамиз. Бир сменалда ишлайдиган барча ишчи-хизматчилар ягона бригадага бирлашишган. Уччала коллектив бир-бири билан меҳнат жабҳасида беллашади. Улар ўртасидаги мусобақа нишонлари ишлаб чиқилган. Шунга мувофиқ бир кунлик мусобақада ғолиб чиққан бригада аъзоларига моддий рағбатлантириш фондидан 100 сўм мукофот берилади. Ўн кунлик давомида энг яхши кўрсаткичга эришган коллективнинг меҳнати бундан ҳам ортиқроқ мукофот билан тақдирланади. Ой якунлари бўйича биринчи ўринни эгаллаган смена аъзоларига 250 сўмлик пул мукофоти ажратилади. Айни вақтда иккинчи ўринни олган коллективлар ҳам моддий жиҳатдан рағбатлантирилади. Айрим ишчилар ўртасидаги мусобақа натижалари худди шу тарзда якунланиб борилади. Улар пул мукофотлари олишади ёки маънавий рағбатлантирилади.

Бригадалар ўртасидаги мусобақада ёш коммунист Анатолий Ильинних бошчилигидаги коллектив пешқадамлик қилди. Любовь Дмитриевна ваъдасини шараф билан бажармоқда. Деярли унинг уддасидан чиқиб қолди. Касбдошларидан Чеботарь Ильина, Екатерина Эргашевалар ҳам шундай шахсий мажбуриятлар асосида ишлашади. Областимизда бу ташаббусга қўшилган пахта тозаловчилар сафида юзлаб ишчилар бор.

Корхонамизда ишлаб чиқариш маданиятини ошириш, техника тараққиётини жадаллаштириш, технология жараёнларини такомиллаштириш юзасидан ҳам жуда кўп тадбирлар кўрилмоқда. Шуларнинг ҳаммаси коллективимиз меҳнат фаолияти самарадорлиги ва сифати ортишига салмоқли таъсир кўрсатмоқда. Учинчи беш йилликнинг ўтган икки йилидаги ишимиз натижалари кўнгилдагидек бўлди. Ўтган йили эса Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига бошланган ватанпарварлик ҳаракатида иштирок этиб, яхши кўрсаткичларга эришдик. Корхонамизга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи берилди.

Зарбдор йилдаги ишимиз ҳам чакки бўлмаяпти. Бу йил пландагидан ташқари 2 миллион 100 минг сўмлик маҳсулот реализация қилиш юзасидан олган мажбуриятимизни ой сайин бажармоқдамиз. Буни йилимизнинг ўтган беш ойдаги якунлари ҳам яққол кўрсатиб турипти. Енгил саноат ходимлари кунини муносиб кутиб олиш йўлида фидокорлик кўрсатган коллективимиз пахта тозалаш саноати корхоналарида ажойиб бир ватанпарварлик ҳаракатини бошлаб берди. СССР Конституциясининг бир йиллигини шахсий меҳнат совғалари билан нишонлашга ахд қилган бу мўҳир ишчи барча касбдошларини бу ташаббусга қўшилишга чақирди. Унинг ўзи 1978 йилнинг 7 октябригача нормадагидан ташқари 420 тонна тола ишлаб чиқариш юзасидан шахсий мажбурият олди. Любовь Дмитриевна ваъдасини шараф билан бажармоқда. Деярли унинг уддасидан чиқиб қолди. Касбдошларидан Чеботарь Ильина, Екатерина Эргашевалар ҳам шундай шахсий мажбуриятлар асосида ишлашади. Областимизда бу ташаббусга қўшилган пахта тозаловчилар сафида юзлаб ишчилар бор.

Корхонамизда ишлаб чиқариш маданиятини ошириш, техника тараққиётини жадаллаштириш, технология жараёнларини такомиллаштириш юзасидан ҳам жуда кўп тадбирлар кўрилмоқда. Шуларнинг ҳаммаси коллективимиз меҳнат фаолияти самарадорлиги ва сифати ортишига салмоқли таъсир кўрсатмоқда. Учинчи беш йилликнинг ўтган икки йилидаги ишимиз натижалари кўнгилдагидек бўлди. Ўтган йили эса Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига бошланган ватанпарварлик ҳарак

ҚУВНОҚ ПИОНЕР ЁЗИ

Мактабларда сўнги қўнғироқ ҳам чалинди. Икки бўйи билим асосларини пухта эгаллаган ёшлар энди пионер лагерларида ҳордиқ чиқарадилар.

Ёшларни ёз мавсумини қизиқарли ва мазмунли ўтказишлари учун жонажон партия ва ҳукуматимиз ҳамма шарт-шароитларни яратиб бермоқдалар. Тошкент область касаба союзларига қарашли 93 та пионер лагерида ишчи-хизматчиларнинг 100 минг ўғил-қизи дам оладн.

Чорвоқ, Паркент, Ҳумсон каби ҳушманзара ерларда тўртта янги пионер лагери иш бошлади. Бу лагерлар бағрида бинокорлар, «Узбекхлопкомаш» бирлашмаси ишчи-хизматчиларининг фарзандлари дам оладилар. Пионер-ўқувчиларнинг ёзги таътилини мазмунли ўтиши учун Киров район халқ маорифи бўлими ҳам пухта ҳозирлик кўрди.

Райондаги соя-салқин мактаблардан ўнтасида 9 минг ўғил-қиз уч сменада ёз гаштини суради. Минглаб болалар эса, ЖЭКларга қарашли согломлаштириш майдончаларида ҳордиқ чиқарадилар.

Тошкент районининг «Назарбек» совхозида ташкил қилинган меҳнат ва дам олиш лагерида районнинг юқори синф ўқувчиларидан бир неча киши бўлади.

С. СУЛТОНОВ.





МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАР КАМОЛОТ ЙЎЛИДА

КПСС XXV съезди коммунистик жамият қуриш борасида улкан программани белгилар экан, бу режаларни бажаришда Маҳаллий Советлар муҳим роль ўйнашини алоҳида таъкидлади. Маҳаллий Советларга ана шундай беқиёс бунёдкорлик ишларини амалга оширишда улар учун СССР Конституциясида, шунингдек, иттифоқдош республикаларнинг асосий қонунларида тарантсияланган ҳуқуқ ва бурчлар тўғрисидаги қоидалар катта ёрдам беради. Иттифоқдош республикалар конституцияларида мамлакатимиз бахт қомусидаги қоидаларнинг айни ўзи бошқачароқ талқин этилган, холос деб тушуниш нотўғри бўлур эди. Масалан, иттифоқимиз Конституциясида давлат ҳокимияти маҳаллий органларини бошқаришга фақат 19-боб бағишланган бўлиб, унда муҳим аҳамиятга эга бўлган олти модда қайд этилган. Агар биз иттифоқдош республикалар Конституцияларидан ҳоҳлаган биттасига разм солсак, бу ерда маҳаллий органлар бошқарувига оид бир боб эмас, балки бутун бир бўлим бағишланганлигини кўрамиз. Хусусан, Узбекистон ССР Конституциясини олиб кўрайлик. Унда «Узбекистон ССРда давлат ҳокимиятининг ва бошқарувнинг маҳаллий органлари» деган бўлим бор. Бу бўлимда 16 моддадан иборат «Халқ депутатлари маҳаллий Советлари», «Халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари» деб аталувчи икки боб мавжуд. Республикамиз Асосий Қонуни давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг муваффақиятли ишлашларини таъминлайдиган кўп масалалар билан қўшимча равишда тўлдирилган. Унда йил давомида бўладиган сессияларнинг муддати ва сони, шунингдек, Советлар ишини ташкил этиш билан боғлиқ бўлган қатор тартиблар ифода этилган. Маҳаллий Советлар доимий комиссияларининг, ижроия комитетларининг, ташкилий-маъмурий органларнинг вазифалари ҳамда улар томонидан тузилган актларнинг характери, бу органларнинг бурчи тўғрисидаги қоидалар шулар жумласидандир.

Ҳозир юқори маҳаллий Советлар халқ депутатлари қуйи Советларининг ҳамда уларнинг ижроия комитетларининг актлари қонунга мувофиқ келмаган тақдирда шу актларни бекор қилиш ҳуқуқига эгадирлар, деган қоида мавжуд. Ўзбекистон ССРнинг алгариги Конституциясида маҳаллий Советнинг актини юқори Совет ижроия комитети томонидан тўхтатилиши мумкин деган тартиб эндиликда иттифоқдош республикалар, шу жумладан, республикамиз Асосий Қонунида ҳам йўқ. Бу ҳол ҳаётимизнинг тобора демократиялашиб бораётганлигини кўрсатувчи ёркин далилдир.

Иттифоқдош республикалар янги Конституцияларини қабул қилиниши муносабати билан Советларнинг барча звеноларн янада мустаҳкамланди. Уларда демократизмнинг тобора ошиб бораётганлигини кўрсатувчи белгилардан бири ошкораликдир. «Бизга батамом тўлиқ ва ҳақиқий ахборот зарур», деган эди В. И. Ленин. Ҳақиқатга ҳар томонлама тўғри келадиган ахборот эса умумий характердаги тўғри қарорни қабул қилиш имконини беради. Бу халқ ҳокимияти маҳаллий органлари томонидан ўз функцияларини амалга оширишдаги актив ва изчил йўлдир.

Баъзи ҳолларда маҳаллий органлар ўз ишларида ошкораликка етарли риоя қилмайдилар. Улар ўз сессияларида у ёки бу масала юзасидан қарор қабул қиладилар. Совет бундан хабардор бўлади-ю, лекин шу район ёки шаҳар аҳолиси бундан хабардор бўлмайди. СССР Конституциясининг 93-моддасида ошкораликнинг тобора таъсирчанлигини кучайтирувчи қуйидаги сатрлар ифода этилган: «Халқ депутатлари Советларининг фаолияти масалаларни коллектив бўлиб, эркин, амалий муҳокама қилиш ва ҳал этиш, ошкоралик, ижро қилувчи ва бошқарувчи органларнинг, Советлар тузадиган бошқа органларнинг Советларга ва аҳолига мунтазам ҳисоб бериб туриши, уларнинг ишига гражданларни кенг қўламда қатнаштириш асосига қурилади».

Ошкораликни такомиллаштириб бориш умуман социалистик демократияни, маҳаллий Советлар ишидаги демократизмни характерловчи муҳим бир белгидир. Оммавий ахборот воситалари: матбуот, радио, телевиденнедан яхши фойдаланадиган жойларда эса улар маҳаллий Советлар ишидаги ошкораликни тўла таъминлайди, меҳнаткашларни Советлар ишига кўпроқ жалб этади.

Агар аҳоли бўладиган сессия, унинг кун тартиби, қарор лойиҳасидан аввалдан хабардор бўлса, ошкораликнинг роли яна ҳам муҳим эканлиги сезилади. Оммавий ахборотнинг бошқа формалари ҳам мавжуд. Бунда депутатлар аҳолини Советлар, уларнинг ижроия комитетлари, бўлимлари, бошқармалари олиб бораётган ишлардан хабардор қилиб турадилар. Маҳаллий Советлар томонидан қандай қарорлар қабул қилинаётгани ҳамда уларнинг ижроси тўғрисида мунтазам суҳбатлар уюштирадилар.

Советнинг иши тўғрисида аҳоли қанча кенг хабардор бўлса, унинг активи, ёрдамчилари шунча кўпаяди.

Кейинги йиллар тажрибаси бизнинг умумхалқ давлатимиз демократизми маҳаллий Советларда депутатларнинг кўплиги билангина эмас, балки аҳолининг кўпчилиги шу Советлар ишида актив иштирок этаётганлигида ўз ифодасини кўрсатди. Агар ҳозирги пайтда Советларда 2 миллион 200 минг депутат фаолият кўрсатаётган бўлса, уларнинг атрофида 30 миллионлик актив иш олиб бораётир. Бундан буён ана шу активларнинг сони янада ортиб боради. Ана шу мисолнинг ўзидаёқ биз В. И. Ленининг Советлар — бу ҳамма учун очиқ бўлган, ҳамма нарсани омманинг кўз ўнгида бажарадиган, оммабоп, бевосита оммани нинг ўзидан келиб чиқадиган, халқ оммасининг тўғри ва бевосита органидир.— деган фикрининг нақадар тўғри эканлигини кўрамиз. Доҳий Совет давлати оммани нинг онглилиги билан кудратли эканлигини ҳам таъкидлаган эди.

Ошкораликнинг яна бир томони Советларнинг барча звеноларида қонунларга қатъий риоя қилишда ўз ифодасини топади. Баъзи ҳолларда меҳнаткашлар қонунга хилоф ишларга дуч келиб қоладилар. Улар дарҳол Советларга мурожаат қиладилар ва ариза ларига мувофиқ жавоб оладилар. Бу ҳам Советлар ишининг демократизмидан, қонунларнинг ҳамма учун тенг эканлигидан далолат беради.

Иттифоқдош республикалар Конституцияларида меҳнаткашларни бошқарувга жалб этиш йўлларига қаратилган махсус моддалар бор. Хусусан Ўзбекистон ССР Конституциясининг 142-моддасида: «Халқ депутатлари маҳаллий Советлари давлат ва жамоат ишларини бошқаришга, гражданларни кенг кўламда жалб этадилар; ўз фаолиятларини жамоат ташкилотлари ва меҳнат коллективлари билан маҳкам боғлаб олиб борадилар; энг муҳим масалаларни меҳнаткашлар муҳокамасига қўядилар; гражданларни доимий комиссиялар, ижроия комитетлар ишига ва советларга ҳисоб берувчи бошқа органлар ишига жалб қиладилар; маҳаллий кўнгилли жамиятлар ишини йўлга солиб турадилар ва аҳолининг ижтимоий ташаббускорлигини ривожлантирадилар», дейилади. Бу сатрлар социалистик демократизмни янада такомиллаштириб бориш, мустаҳкамлаш учун хизмат қиладиган муҳим йўналишдир.

Маҳаллий Советлар ишидаги ошкоралик формаси, аҳоли билан узвий муносабат ҳоллари ҳар бир совет гражданн маънавий қиёфасининг шаклланишида катта роль ўйнайди. Унда ўз мамлакатининг ҳақиқий хўжайини бўлишдек, фахрланиш ҳиссиётини тарбиялайди. Ривожланган социализм жамиятида айниқса, ҳар бир кишининг бошқарув жараёнида иштирок этишини таъминлаш зарур бўлган ҳозирги босқичда бу ҳол жуда муҳимдир.

Бизнинг демократиямиз тараққиёти икки томонли жараёндан иборат. Бир томондан социалистик демократиянинг ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиб берилади. Иккинчи томондан ана шу қулайликлар оммада давлатни бошқарувда актив иштирок этиш истагини уйғотади. Ана шу икки томоннинг узвийлигида совет демократияси тараққиётининг янги уфқлари қўлоч ёзаверади.

Ш. АКРОМОВ,
Тошкент Давлат медицина институти илмий коммунизм кафедрасининг доценти.

КАСБДОШЛАР БЕЛЛАШУВИ

Тошкент ёғ-мой комбинати коллективи зарбдор йилда янги-янги муваффақиятларни қўлга киритмоқда. Ҳозир корхонада 25 хилдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилляпти. Суратларда: (юқоридан пастга) маргарин тайёрлаш цехининг инженери У. Эргашева ва ишчи Г. Маликова технология жараёнини кўздан кечиришяпти, ўсимлик мойи қуйиш цехининг илғор ишчиси Ҳ. Эшонқулова.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотолари.

Корхонада чиқадиган «Молния»нинг хабари яна бир қувончли воқеани таъкидади. Моҳир токарь Иван Максимович Крахмалев беш йилликнинг тўрт йиллик топшириғини ошириб адо этиб, навбатдаги йил ҳисобига маҳсулот тайёрламоқда.

Тошкент экскаватор заводининг илғор ишчиси ўзи эришган бу муваффақият тўғрисида шундай дейди:

— Менинг бу ютуғимда фақат ўзимнинг шахсий гайратимгина эмас, балки ёнма-ён ишлаётган касбдош дўстларимнинг ҳам анчагина ҳиссалари бор. Бунинг учун айниқса мусобақадошим Василий Дмитриевичдан бениҳоя миннатдорман.

Дарҳақиқат шундай. Иван Максимович заводда кўп йиллардан бери ишлаб, катта тажриба орттирган ишчи. Бунинг устига илғорлик сирларини тўла-тўкис эгаллаган. Лекин ҳаммадан ҳам киройиси шуки, у яхши дўст, ҳамкор касбдошларни кўплаб орттирди. Шулардан бири сифатида унинг мусобақадоши Василий Дмитриевич Немовни кўрсатиш мумкин.

Икки дўст корхонага деярли бир вақтда келишган. Мана, бир неча йилдирки улар бир-бирлари билан ёнма-ён меҳнат қилиб келишади.

Токарь Иван Максимович эгаллаган маррага бундан бир оз кейинроқ моҳир расточник Василий Дмитриевич Немов ҳам етиб келишга муяссар бўлди. Дўстининг бу ютуғи Иван Максимович учун ҳам гоятда қувончли бўлди.

Улар ишлаётган станоклар ҳар хил, бажарадиган ишлари ҳам бошқачароқ. Шундай бўлишига қарамай уларнинг ўзаро бир-бирларидан ўрганадиган нарсалари жуда кўп. Масалан, Иван Максимович ўз дастгоҳидаги кескичларнинг хизмат муддатини бир неча бараварга кўпайтиришга муваффақ бўлди. Натижада топшириқни анча ошириб бажариш имкониятлари туғилди. Бу янгиликни мусобақадоши Василий Дмитриевичга ҳам маълум қилди ва унинг дастгоҳида ҳам шу йўсинда ишлаш мумкин эканлигини таклиф қилди. Иковлон бу янгиликни иккинчи дастгоҳда ҳам қўлланиш учун киришиб, охири бунинг ҳам иложини топишди.

Кунларнинг бирида Василий Дмитриевич дастгоҳини ремонт қилишда деярли бир соат вақтни тежаб қолганлигини Иван Максимовичга ҳам тушунтирди. Токарлик дастгоҳида ҳам бу ишни бемалол қўллаш мумкин эканлиги тажриба жараёнида маълум бўлди.

Икки мусобақадош ишчи шу зайлда тадбиркорлик ва ҳамкорлик йўлидан бориб, меҳнатда ана шундай кўпдан-кўп ютуқларга эришмоқдалар. Улар ҳар доим графикдан тез ишламоқдалар, кундалик топшириқни 180—200 процент адо этмоқдалар.

— Бизлар эришаётган ютуқларни ҳамма дўстларимиз ҳам қўлга киритишларини умид қиламиз, негаки заводимиз ишлаб чиқараётган янги машинанинг янада кўпроқ ва сифатли бўлиши учун ҳар қачонгидан ҳам гайрат ва шижоат билан меҳнат қилишимиз зарур, — дейди Василий Дмитриевич.

Чиндан ҳам Тошкент экскаватор заводининг коллективи бутун корхона учун гоятда қувончли бўлган маррани қўлга киритди — конвейердан серияли ишлаб чиқаришга киришилган «Э-3041» маркали янги экскаваторларнинг дастлабки нусхалари мамлакатимизнинг турли районларига жўнатила бошлади. Янги экскаватор ҳам илгаригилари сингари мелиоратив ишларни бажаришга мўлжалланган бўлиб, бир йўла канал қазийди, котлован ва зовурлар ўяди, юмшоқ ва ботқоқлик ерларда бемалол ишлатилади.

Машинанинг мустаҳкамлиги ва чидамлилиги мумкин қадар оширилди. Илгариги машина капитал ремонтгача 5600 соат ишлаш қувватига эга бўлса, эндиликда 6500 соатгача ва ундан ҳам ортиқроқ вақтга хизмат қила оладиган бўлди.

Конструкторлар ундаги жуда кўп процессларни яхшилашга, қулайликларини кўпайтиришга ҳам эришдилар.

Масалан, машинистнинг ишлаш шароитини яхшилашга алоҳида эътибор берилган. Айниқса, уни бошқаришни пневматик системаси бекиёс яхшиланди, ричагларнинг жойланиши соддаланди, кабинада ҳар доим мўътадил иқлим бўлишига эришилди. Булар машинист ишининг унумли бўлишига албатта катта ёрдам беради.

Машинанинг ишчанлик қобилияти ҳам беқиёс ошди. Унинг гилдиракли занжирлари турли йўналишларда бемалол ҳаракат қила оладиган бўлди. Гилдиракли занжирли системасининг ўзида заводда ишланган ёпиқ подшипниклар ўрнатилди. Бу эса агрегат ишлаб турган пайтда ҳам уни мойлаб туриш имкониятларн яратилди. Шунингдек, экскаватор чўмичининг шакли илгаригисига нисбатан бироз ўзгартирилди. У эндиликда фақат ер ўйиш билан чекланмай, тўғри келган пайтда зовурларга тўкаларни жойлаштириб кетиши ҳам мумкин бўлди.

Тошкент экскаваторчилари беш йилликнинг учинчи — зарбдор йилида ана шундай машиналардан мамлакат мелиораторларига мингтадан кўпроғини жўнатишга қарор қилишди. Бундай юксак маррани эгаллаш заводнинг юқорида номлари зикр этилган илғор ишчилари шижоатига боғлиқдир.

Я. ТЎХТАЕВ.

ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

Ривожланган социализм шароитида — совет кишиларининг турмуш тарзи ва маънавий дунёсида интернационаллик белгилари тобора кўпаяётган ҳозирги даврда тилдаги силжиш ва ўзгаришларни тадқиқ этиш, қар бир миллий тилдаги ўзига хос томонларни белгилаш сиёсий-идеологик жиҳатдан ҳам катта аҳамият касб этади. Чунки бу хил тадқиқотлар натижаси тил ҳақидаги ленинча таълимотнинг тантанасини конкрет мисолларда кўрсатади, халқлар ва тилларнинг ўзаро яқинлашувида қардош тиллар, биринчи навбатда, улуғ рус тили самарали таъсирининг ортишига хизмат қилади.

Яқинда «Фан» нашриётида филология фанлари кандидати Ирисали Тошалиевнинг «Ҳозирги ўзбек адабий тилида киритма конструкциялар», деб номланган китоби чоп этилди. Китобда тадқиқ этилаётган синтактик ҳодиса-киритма конструкцияларнинг адабий тил барча соҳаларида актив қўлланилиши ўзбек адабий тилининг совет давридаги тараққиёти ҳамда унга қардош тиллар, айниқса, рус тилининг ижобий таъсири билан боғланган ҳолда ўрганилади.

Нутқ процессида гап структурасига тўсатдан, йўл-йўлакай киритиладиган конструкциялар тилда катта мазмунга эга бўлганлигидан, унинг табиати ҳам, шунга яраша, мураккаб бўлиб, бир қанча лингвистик ҳодисалар билан боғланиб кетади. Шу сабабдан, киритмалар билан боғлиқ масалаларни бир китоб доирасига қамраб олиш қийин. Бу масалада тадқиқотчи тўғри йўл танлаган: китобда киритмаларнинг умумий характеристикаси, семантик-стилистик, тузилиш жиҳатдан турлари, гапдаги ўрни каби асосий томонлари берилган. Асар сўз боши, масаланинг ўрганилиш тарихи, бир неча бўлимлардан иборат асосий қисм ва хулосани ўз ичига олади.

Автор киритмаларнинг гап бўлаклари билан грамматик жиҳатдан боғланмайдиган ҳодисалар эканлигини илмий жиҳатдан тўғри асослайди.

Уларга гапни мураккаблаштирувчи махсус категория сифатида қаралади. Бу билан гап мазмуни, тузилиши ҳам ўзгариб кетмайди, бинобарин, содда ва қўшма гаплардан фарқ қилувчи алоҳида тип — «мураккаб гап» ҳам юзага келмаяпти. Мураккаблашиш, текширишнинг кўрсатишича, фақат содда гап доирасидагина эмас, балки қўшма гаплар доирасида ҳам учрайди. Шунинг учун киритмалар объектини чегаралаш максадида, «киритмали содда гап», «киритмали қўшма гап» терминларини қўллаш текширилаётган ҳодисалар табиатига жуда мос келади.

Кейинги йилларда киритмаларнинг мустақил категория эканлиги эътироф этилаётган бўлса-да, уларни тузилиш жиҳатидан, фақат гап билан тенглаштириш ҳоллари давом этарди. Лекин мавжуд фактик материаллар табиати уларнинг тузилишини кенгроқ доирада олиб қараш зарурлигини тақозо этмоқда. Шу сабабли, авторнинг киритмаларни изчил критерийлар асосида беш гуруҳга ажратиши муҳим аҳамиятга эга. Бу нарса киритмаларнинг структурал типларини белгилаш ва уларни алоҳида-алоҳида ўрганишга имкон беради.

Иш бой фактик материал асосида ёзилган. Асосий ўринларда статистик маълумотларнинг берилиши китобнинг қимматини янада оширади.

Киритмаларнинг гап структурасида позицион жиҳатдан қатъийлиги, гап ичида қўлланиш улардаги одатий кўриниш эканлиги каби масалалар ҳам асарда кенг изоҳланган, улар билан боғлиқ бўлган шарт-шароитлар белгилаб берилган.

Китоб авторнинг кўп йиллик изланишлари натижасидир. Шу боисдан у юқори илмий савияда ёзилган бўлиб, муҳим назарий ва практик хулосаларга бой. Шуларнинг ҳаммасини ҳисобга олиб, китобни тилшуносликка доир муҳим тадқиқотлар жумласига киритиш мумкин.

А. БЕРДИАЛИЕВ,
филология фанлари кандидати.

Т. МИРЗАҚУЛОВ,
катта ўқитувчи.

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ
МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

ВАШИНГТОН. Америкаликларнинг катта кўпчилиги ўқ отувчи қуроллар билан назоратсиз савдо-сотиққа қарши чиқмоқда, буни мамлакатда жиноятчилик кўпайишига кўмак берувчи омиллардан бири деб ҳисобламоқда. Ўтказилган сўровнинг кўрсатишича, унинг олдини олиш билан шуғулланувчи марказ шуни маълум қилди.

Умумдавлат миқёсида жамоатчилик фикрини сўраш натижаларига кўра, АҚШ аҳолисининг 70 процентдан ошиғи ана шундай чеклашни, кейинчалик эса қуролларни назоратсиз сотишни тамоман тақиқлашни талаб қилмоқда.

САН-ХОСЕ. Никарагуадаги инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш комитети миллий гвардия қамағанидан сўнг (бедарак йўқолган) 500 дан ошиқ никарагуалик деҳқоннинг қисмати нима бўлганлигини диктатор Самоса айтиб беришини талаб қилди.

Қамалган деҳқонларнинг қариндошлари бундан аввал Самосадан шу гапни сўраб бирон жавоб ололмагандилар.

БУХАРЕСТ. Руминия пойтахтида Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши геология доимий комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди. Бунда ўзаро иқтисодий ёрдам кенгашида қатнашувчи мамлакатлар, шунингдек Югославия делегациялари қатнашди.

Шу соҳада узоқ муддатли махсус ҳамкорлик программасини ишлаб чиқиш, геологик ишлар ўтказиш учун техника воситаларини яратишга тааллуқли масалалар муҳокама этилиб, тегишли тавсиялар қабул қилинди.

Комиссиянинг иши дўстлик ва тўла ҳамжиҳатлик вазиятида ўтди.

(ТАСС, 8 июнь).

НЕФТЬ ВА ҚАШШОҚЛИК

КОҲИРА, 8 июнь. (ТАСС мухбири). Саудия Арабистони нефть экспортидан каттакатта фойда олаётганлигига қарамай, бир қанча социал-иқтисодий кўрсаткичлар жиҳатидан ниҳоятда қолоқ мамлакат бўлиб қолмоқдаки, у кўпгина ички проблемаларни бартараф этишга қодир эмас.

Маҳаллий матбуотнинг маълумотларига кўра, Саудия Арабистони аҳоли ўртасида ўлим даражаси жиҳатидан араблар дунёсида ҳамон «пешқадамлик қилмоқда». Саудия подшоси фуқоросининг ўртача умри 40 йилга боради, ҳолос. Мамлакатдаги 7 миллионли аҳолининг қарийб тўртдан бири қўлманча ҳаёт кечирадики, унда тараққиёт жуда оз. саудиялик ҳар саккиз кишининг 7 таси саводсиз.

Саудия Арабистонида ҳукмрон шариат қонунлари шароитида хотин-қизлар жамоат ҳаётида қатнашиш ҳуқуқидан маҳрумдирлар. Аҳоли умумий таълим даражасининг пастлиги малакали кадрлар тайёрлаш имкониятларини ниҳоятда чеклайди. Бунинг натижасида Саудия маъмурлари чет эллардан кенг кўламда ишчи кучи келтиришга мажбур бўлмоқдалар. Баъзи маълумотларга кўра, бугунги кунда муҳожир ишчилар сони туб аҳоли сонига қариб бараварлашиб қолган.

Кўпдан-кўп проблемаларни ҳал этишга қодир бўлмаган Саудия режими хавфсизлик хизматини мустаҳкамлашга зўр бермоқда. Ўбу ишда АҚШ ва бошқа империалистик давлатларнинг мададига суянмоқдаки, бу давлатлар араб реакцияси лагеридаги асосий иттифоқчисининг тутган позицияларн бўшашишига ҳар қандай воситалар билан йўл қўймаслик пайидандирлар.

Н. ЗАБОРИН.

ТАСС АХБОРОТИ

Кейинги вақтларда Қўшма Штатларда Совет Иттифоқига нисбатан душманлик кампанияси авж олдирилмоқда. Бу кампаниядан кузатилган мақсад — АҚШнинг СССРдаги элчихонасининг қонунга хилоф равишда қилаётган ҳаракатларини ниқоблаш ва элчихона биносидаги Америка махсус хизматининг Совет Иттифоқига қарши разведка — кўпорувчилик фаолиятидан эътиборни четга тортишдир. Америка томони ана шу кампания давомида элчихона биносига гўё «суқулиб кирилди» деб нисбатан етказдилар, деб таъкидлаб ўтилади.

Совет томони, дейилади мактубда, АҚШ элчихонаси эшитиб оладиган электрон қурилмалар топилди, деб даъво қилди.

Шу муносабат билан СССР Ташқи ишлар министрлиги АҚШ давлат департаментига мактуб йўллади. Мактубда Америка элчихонасининг ходимлари қўшни совет уй-жойини ижарага олиш ниятларини ошкора билдирганликлари, шунингдек, элчихонанинг ички хизматини ташкил этишда ҳам ўзларини тутган тутишлари ва ҳоказолар ҳақида сўз юритилади.

Шанба саҳифаси

ШОВҚИН — САЛОМАТЛИК ДУШМАНИ!

СОКИНЛИККА ЭРИШИШ МУМКИНМИ

Сокинлик, худди тоза ҳаво сингари шаҳарларда камайиб бораётганлиги сир эмас. Ҳар бир шаҳарлик доимий равишда интенсив шовқин таъсири дунёсида яшаяпти. Даражаси 65 децибелгача бўлган шовқинга гигиеник норма йўл қўяди, аммо 65 децибелдан 110 децибелгача бўлган даражали шовқин одам саломатлиги учун жиддий хавф туғдиради (яъни марказий асаб системаси қақшайди), 120 дан ошганда эса оғриқ бошланади. Транспорт ҳаракати интенсив бўлган кўчадаги шовқин 90—100 децибелга етади. Уй деворлари бу товуш вулқонини фақат ярмигагина пасайтиради, дераза ойнаси эса чорак қисмини «ютади».

Шундай қилиб, биз уйда ёки ишда, кўчада сайр қилганда ўз соғлиғимизни доимий равишда шовқин ҳавфи остида тутамиз. Аниқланишича, шовқин қон айланишидан то кўришгача, ошқозондан тортиб миянинг қон билан таъминланишигача бўлган барча органларнинг нормал фаолиятини бузади. Айниқса руҳият азоб чекади.

Бу аср касаллигидан ҳимояланишнинг самарали йўллари борми? Айтиш керакки, одам ўзини товушлардан тўла ҳалос қилоладиган қобиқ йўқ, бунинг кераги ҳам йўқ. Мутлақ сукунат ҳам зарарли эканлигини унутмаслик керак. Бироқ шаҳарлардаги шовқин муаммоси, шу даражага бориб етганки, ҳатто ҳавфли децибеллардан қутулишнинг иқтисодий жиҳатдан нафи кам усулларини ҳам фойдали дейиш мумкин, чунки гап одамлар соғлиғи устида кетяпти.

Мамлакатимизда шаҳар шовқинига қарши кураш узоқ йиллардан бери изчиллик билан олиб бориляпти. СССР Министрлар Совети томонидан қатор қарорлар қабул қилиниб, корхоналар, қурилиш ва транспорт ташкилотлари раҳбарларига шаҳар атроф муҳитига шовқин таъсирини камайтириш юзасидан лозим бўлган чораларни кўриш топширилган. Соғлиқни сақлаш ҳақидаги Қонун Асосларида эса маҳаллий Советлар ва давлат органлари олдига ишлаб чиқаришда, турар-жой ва жамоат биноларида, ҳовлиларда, шаҳар кўчаларида майдонларида имкони бўлган барча воситалар билан шовқин даражасини пасайтириш вазифаси қўйилгандир.

Архитекторларимиз эски шаҳарларни реконструкция қилиш ва янгиларини бунёд этишда саноат билан турар-жойни бир-биридан ажратиб туришга ҳаракат қилишяпти. Масалан, Москвада шаҳарни ривожлантириш Бош планига мувофиқ бир неча саноат зонаси барпо этиш кўзда тутилган. Атроф-муҳитга кўпроқ салбий таъсир қилувчи корхоналар бутунлай тугатилади ёки пойтахт чегарасидан нарига чиқариб юборилади. Янги шаҳарларга келсак, лойиҳалаштириш палласида улар территориясини функционал зоналаштириш мўлжалланган. Мана шундай тадбир Тольятти, Навоий, Усть-Илимск, Солнечногорск, Нижнекамск, мамлакатнинг бошқа кўплаб шаҳарларидаги турар-жой кварталларида шовқинни гигиена йўл қўядиган даражагача пасайтириш имконини берди.

Шу олижаноб мақсадларда шаҳарсозликда қиммати ортиқ бўлган экспериментлар ҳам қўлланиляпти. Жумладан, қозирги пайтда Москвада шундай бир янги микрорайон барпо этиляптики, бу ерда лойиҳа муаллифларининг ҳисоб-китобларига кўра, яшовчилар учун ҳамма транспорт артерияларини ер остига жойлаштириш ҳисобига тўлиқ сукунат таъмин этилади. Юкоои даражада товуш ютиш хоссасига эга бўлган материаллардан қурилган янги типдаги уйлар амалий синовдан ўтказилмоқда.

Яқиндагина совет архитекторлари ва инженерлари томонидан «сокин» уй модели ишлаб чиқилди. Шундай экспериментал уй намунаси шу кунларда Ватанимиз пойтахтининг транспорт серқатнов магистралларидан бирида тиклanмоқда. Бу ерда шовқинга қарши кураш ғояси жуда осонликча ҳал этилган: уй ичи интерьерларининг оригинал равишда планлаштирилиши натижасида ётоқхона, иш кабинети, болалар хонаси ташқи шовқиндан ҳоли қилинди. Шу хоналар уйнинг сокин томонига жойлаштирилди. Айни пайтда уй дераза ларига турлича қалинликдаги ойналар ўрнатилди. Шунингдек улар ўртасидаги оралиқ ҳам узайтирилди. Бу, мутахассисларнинг фикрича, ташқи товуш тебранишларини заифлаштиради. Агарда авторларнинг ҳисоб-китоблари эксперимент давомида тасдиқланиб, «сокин» уйда кўча шовқини ҳақиқатан ҳам яшовчилар осойишталигини бузмаса, шундай уйлар энг сершовқин магистраллар ёқасига қурилади. Албатта, бир хил қолипда эмас, балки архитектураси жиҳатдан ранг-баранг кўринишда бўлади.

Жиддий товуш тўлқини учун самарали тўсиқ бўлиб яшил буталар ҳизмат қилади. Аниқланишича, шовқин оқими дарахт ва буталар экилган жойларда ҳар 30 метрда 10 децибелданга пасаяди.

Албатта, шаҳарларда соғлиқ учун зарарли шовқинни йўқотишнинг бошқа йўллари ҳам мавжудлигини унутмаслик керак. Шовқин манбаларининг таъқиқланиши, уларни техник жиҳатдан такомиллаштирилаётгани бунга мисолдир. Бироқ бу йўлни истиқболли деб бўлмайди. Чунки, шаҳар электромобилдан фойдаланишга ўтган тақдирда ҳам, ғилдиракларнинг асфальтга тегиб ишқалиши (айниқса, тунда) аввалгидек кўча ва майдонларда сокинликни бузаверади. Инсон саломатлиги учун жиддий ҳавф туғдирувчи катта шовқин билан курашишнинг энг яхши йўли мавжуд бўлган барча воситалардан комплекс фойдаланишдан иборат.

Е. ГУРНОВА, (АПН).

Степан ГИЛЬ

КАМТАРИН ИНСОН

(В. И. ЛЕНИН ШАХСИЙ ШОФЕРИНИНГ ХОТИРАЛАРИДАН)

1919 ИИЛ охирида Владимир Ильич қўли билан ёзилган хат олдимда турибди. Унда шундай дейилган: «Ўртоқ Гиль! Ўртоқ Фотиева менга айтдики, Риков шу бугуннинг ўзидаёқ Сизга ва тўрт ёрдамчига шубали калта пўстин, кигиз этиклар, қўлқоплар ва шапкалар бериш тўғрисида кўрсатма берган. Уларни олдингизми ёки йўқми? Ленин».

Бу хатнинг тарихи мана бундай. Владимир Ильич мен ва гараждаги ёрдамчиларим қишнинг совуғига қарамай кигиз этик ва қўлқопларсиз ишлаётганлигимизни билиб қолган. У бунга алоҳида эътибор қилиб, ҳар биримизнинг ташвишимизни бартараф этган.

Ильич сезгир ва ғамхўр инсон бўлиб, одамларга нисбатан эътиборсизлик ёки бефарқлик билан чиқиша олмасди. У бирор кишининг у ёки бу бахтсизлиги, кулфати ёҳуд қийин аҳволга тушиб қолганлигини дарҳол сезар, кишиларнинг илтимосига, норозилиги ёки талабига дарҳол тегишлича муносабатда бўларди. У баъзан менга шундай мурожаат қилиб қоларди:

— Сизга нима бўлди, Гиль? Бугун негадир ташвишлироқ кўринасиз. Йўқ-йўқ, бўтам, мендан яширмай қўяқолинг. Нимадандир ҳаяжондасиз. Гапим тўғримми?

Ана шу сўзлардан кейин ундан бирон нарсани яшириб бўлмасди, албатта.

Бир куни у хотиним билан таништириб қолди. Шундан сўнг Ильич вақти-вақти билан унинг ҳам аҳволини суриштириб, кичик ўғлимиз Мишутка ҳақида сўраб қоларди. Владимир Ильични шаҳардан ташқарига якшанба кунлари дам олишга олиб чиққанимда у баъзан мендан сўраб қоларди:

— Ўртоқ Гиль, нега ахир рафиқангизни ҳам бирга олволмадингиз? Келаси сафар уни ҳам албатта таклиф қилинг.

Надежда Константиновна ҳам одамлар билан Ильич сингари жуда оддий ва дилкаш муомала қиларди. Надежда Константиновна шаҳардан ташқарига чиқиб борар эканмиз, хотинимдан Кремль кооперативидаги ишлари, турар-жой шароити, Петроградда қолган қариндош-уруғлари тўғрисида сўрарди.

Владимир Ильич бошқаларнинг ташвишларига ҳайрон қоларли даражада сезгир бўлиб, кишиларнинг иш ва яшаш шароитларини яхшилашга ҳаракат қилар, айни вақтда унинг ўзи гоят камтарин ва камсуқум инсон эди.

Қуйидаги воқеа ёдимда қолган. Совет ҳукумати Петрограддан Москвага кўчиб ўтганда Ленинга кенг ва қулай хонани таклиф қилишди. Аммо у бу таклифни рад этиб, шифти унча баланд бўлмаган, энг оддий мебель билан жиҳозланган мўъжаз хоналардан иборат кичик бир квартирага кўчиб ўтди.

Владимир Ильичнинг камтарлиги сунъий, ғайри табиий эмасди, у ўзини камтар қилиб ҳам кўрсатмасди. Унинг камтарилиги табиий, чинакам қалб камтарлиги эди.

1921 йилда Кремлда қуйидаги воқеанинг гувоҳи бўлганман. Воқеа Кремлдаги сартарошхонада бўлган эди. Бир неча киши навбат кутиб ўтиради. Шунда тўсатдан Ленин кириб келди. У навбатда турганларнинг охиргиси ким, деб сўраб, ўриндиққа келиб ўтирди. Чўнтагидан журнал олиб, ўқишга берилиб кетди. Жой бўшаганида Ильичга навбатдан ташқари ўрин эгаллашни таклиф этишди.

— Йўқ-йўқ, ўртоқлар, раҳмат,— деди Владимир Ильич,— биз тартибга риоя қилишимиз керак.

Э. ОХУНОВА.

ҚАЛАМДАН ШЕЪР ТОМЧИЛАР

Қуёшдан дур томчилар,
Қаламдан шеър томчилар,
Баъзан тун қўнса дилга,
Кўзлардан шўр томчилар.
Томчилар кўл оламда,
Томчилар — баҳру уммон.
Дил ҳун бўлса аламдан,
Кўзлардан томса ёмон.
Томчилар — серсаҳоват,
Суғорар саҳро боғни.
Қуёш томчиси фақат
Ювар юракнинг доғини.

Томчилардан барг ёзар,
Гул яшнар чаманларда.
Унар кўз ёши томса
Тиконлар қабрларда.
Кўзнинг аччиқ ёшидан
Унмас тикондан бўлак.
Кўз ёши қўрғошиндан оғир
Оғир — кўтармас юрак.
Қуёшдан дур томчилар,
Қаламдан шеър томчилар,
Тун қўнмасмиди дилга,
Бўлмаса бўҳтончилар.

ҚУШЛАР

Турфа хил қуёшпарвар Ватанимнинг қушлари,
Чуғурлаб куй тўкийсиз қуёш, кўклам шаънига.
Митти қалбларнинг асло тугамас олқишлари:
Қушлардай меҳр қўйсин ҳар ким ўз Ватанига.
Келиничакдай, нозланиб ўлкада кезар баҳор,
Ҳар бир гиёҳ Ватанни сева-сева уйғонар.
Қайтадан йигит бўлиб куйлар мўйсафид аҳор,
Ер юзида лоладан алвон гиламлар ёнар.
Шарқ баҳорин кўрганда тошар қушлар севинчи,
Баҳордай қалби билан деҳқон ризқини сочар.
Қушларнинг ҳам деҳқоннинг баҳордадир илинжи,
Қушлар қайда, ризқ қайда баҳор келмаса агар.
Тизза бўйи майсалар қушларга бўлган паноҳ,
Ут-ўланлар ичида деҳқондай ишлар тинмай...
Қушларнинг меҳнатига она-табиат гувоҳ,
Баҳор кўркамлигига ғубор қўндирмас жиндай.
Қиш ғами келмас асло қушларнинг ҳаёлига,
Ўз эркини жиловлаб яшамоқ уларга ёт.
Қуёшли юртлар пешвоз доим истиқболига,
Бир фасл ўзга юртни қилиб келурлар обод.
Майли истаган ерда кўнгилларин қилсин шод,
Ошоқ чойшаб тагида мизғисин буюк Она.
Меҳнаткаш эл қушлари қоқаркан эркин қанот,
Куйлагай юрт меҳрини йўлларда ёна-ёна.
Қудрати етганича кезиб бутун дунёни,
Барибир қайтар бир кун баҳор нафасин олиб.
Асло йўқдир, қушларим, бу дунёнинг поёни,
Қолмадими қанотлар ўзга осмонда толиб.
Мана қадим ўлкада ажиб баҳор бошланиб
Қанотдан тез учадир қалбингиз Ватан сари.
Соғинчдан митти кўзлар денгиз каби ёшланиб,
Учмоқдасиз юртимда шамол янглиғ сарсари.
Майсаларга, дарёга тўш урасиз соғиниб,
Баҳор билан қушалоқ хуш келибсиз, дўстларим.
Она ернинг бағрига ташланасиз сиғиниб,
Юртни соғинмай бўлмас,
Юртга сиғинмай бўлмас,
Ватанимнинг қушлари! Қ. ЎТАЕВ.

Спорт

ЗОНА ҒОЛИБИ

Фрунзеда қўл тўпи бўйича СССР кубоги зонал мусобақалари кескин кураш остида ўтди. Тошкентнинг физкультура институти спорт клуби командаси дастлаб майдон эгалари устидан 31 : 23 ҳисобида ғалаба қозондилар. Иккинчи кун улар асосий даъвогарлардан бири Челябинскнинг «Полёт» командаси билан учрашишди. Ўйин тугашига 8 минут қолганда ураллик гандболчилар олти тўп фарқ билан ютишаётган эди. Тошкентликлар бутун маҳоратларини ишга солиб, ўйин охиригача ҳисобни тенглаштиришди. Кейинги тур мусобақасига йўлланма охирги кун ҳал бўлиши керак эди. Ҳамшаҳарларимиз 44 : 13 ҳисобида туркманистонлик спортчиларни енгиб бу шарафга муяссар бўлишди. Челябинскликлар эса майдон эгаларига 27 : 29 ҳисобида ўйинни бой беришди. Энди гандболчиларимиз Рига шаҳрида ўтказиладиган навбатдаги босқич мусобақаларида куч синашишади.

ВЕТЕРАН ПЕШҚАДАМ

Республика шахмат-шашка клубида рус шашкаси бўйича ўзбекистон чемпионати давом этмоқда. Бу галги мусобақада ветеранлар билан бирга жуда кўп кобилиятли ёшларни кўриш мумкин.

Дастлабки турданоқ пешқадамликни қўлга олган республиканинг 14 карра чемпиони Ш. Ёқубов беш имконилтдан 4,5 очко билан олдинда бормоқда.

МАНГУ ОЛОВ ЁНМОҚДА


(Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган жангчиларга ўрнатилган монументга қараб).

Чироқлар чароғон,
табиатда тун
Тунни қувиб мангу олов
ёнмоқда.
Шаҳидлар қишлоққа
термулар беун,
Мардлигидан қалби қануз
қайноқда.
Ҳайкалларнинг кўзидаги
қотган муз,
Шуъла ичра кўз ёш
мисол йилтирар.
Мард шаҳидлар қиёсига
топмай сўз,
Фалак узра гунг юлдузлар
милтирар.
Жасурларга алла айтган
мисоли,
Олислардан най садоси
бўзлайди.
Олов ичра ҳайкалларнинг
висоли—
Шафақланиб
мардликлардан сўзлайди.
Ушбу олов билсам шундай
оловки,
Садоқатдан бизга сабоқ
беражак.
Бу оловга таъзим этар
ҳаттоки,
Сериқбол миллион йиллик
келажак.

Турсун МУҲАММАДАЛИЕВ.

Номаълум халоскор руҳига таъзим.

Ж. Тўраев фотоэтюди.



ТИШ ЧЎТКАСИ

Леонид НАУМОВ

— Константин Андреевич, нима десангиз денг, лекин бошқа тиш четкаси олмайман!

Шаҳар савдоси мудири Тютькинга тикилиб қарар экан, худди ўз хонасида тирик дельфинни кўргандек бўлди.

— Хайрон бўлманг! — магазин мудири ҳовури чиқиб қизариб кетди. — Тиш четкаси жуда кўп. ҳаммаёқни эгаллаб ётипти. ящикларни шу қадар қалашиб кетганки, орқасидан ўтаётган қизларнинг тизалари тирналиб кетаяпти. Магазинда 50 минг дона четка бор, бу ҳазил эмас. Агар бу аҳвол давом этаверса, шаҳримиздаги ҳар бир яшовчи ҳар бир тиши учун битадан четка сотиб олиши керак. Албатта, чақалоқлар ва сунъий жағли гражданлар ҳисобга кирмайди. Ўлдирсангиз ҳам бошқа ола олмайман!

— Оласан, ўртоқ Тютькин! — жуда совуқ гапирди Константин Андреевич. — Оғайни, ҳали шундоқ оласанки, яна юз мингта келган, ахир.

— Нима қиламан? — йиғламоқдан бери бўлиб гапирди магазин мудири. — Ким сотиб олади?

— Аҳолн. Савдо қилиш бу сенга ўтин ёриш эмас, оғайни. Бу ерда талант, матонат, фаҳм-фаросат, йўлини билмоқ керак.

— Нимани билмоқ?

— Йўлини. Ҳозирча овқатланаверчи, ҳадемай олдимга иккинчи магазиндан Васильев ва олтинчидан Шмаковалар келишади. Ҳамманглар кўрсатма оласиз.

Орадан бир соат ўтгач шаҳар савдоси мудири йиғилганларга уқтира бошлади:

— Агар мол тўлиб-тошиб ётса, уни ҳеч ким харид қилмайдиган бўлади. Шунинг учун ҳам сотилмай, жой эгаллаб ётаверади. Шундай бўлгач мукофот ҳеч бўлмайди. Демак, нима қилмоқ керак? Кам-ёб-лик вужудга келтириш зарур! Барча четкаларни пештахтадан йўқотмоқ даркор. Фабрика ремонтда деган овоза тарқатиш керак. Ремонт узоқ давом этади дейиш лозим. Тушунди-нгларми? Албатта, ҳаммасн меъёрида, йўли билан бўлиши керак. Четка сўровчи ҳар бир харидорга ремонт бошланмасдан олдин ортиб жўнатилган партияси бугун-эрта келишини қутяпмиз. деб пичирлаб тушунтириш ҳақида сотувчиларга кўрсатма бериш лозим.

Эртасига шаҳар магазинларидан тиш четкаси харид қилиш мумкин бўлмай қолди.

Сотувчилар вақти-вақти билан:

— Касса! Четкага чек берманг! — деб қаттиқ қичқириб туришди.

Шаҳар бўйлаб жуда ғарофиб овозлар тарқала бошлаган ҳам эди, лекин шанба куни четка пештахталарда пайдо бўлиб қолди. Аҳоли бу ҳақда магазинлар эшикларига ёпиштирилган эълонлардан билиб қолишди.

Ҳатто кечқурундан бошлаб навбатга тура бошлашди. Савдо дарҳол қизиб кетди. Одамлар қирқта-эллигталаб четка харид қилишарди. Семиз. икки юзи қип-қизил бир амаки эса рекорд қўйди. Бир йўла икки юзтасини сотиб олди! У ҳайратда қолган сотувчига четкалар сасимайди, ва ёмон талаб қилмайди. деб изоҳ бериб ҳам қўйди. Навбат охирида турган кишилар буни эшитгач ўзларига етмай қолишидан ташвишланиб, бир қўлга йигирматадан ортиқ четка бермасликни талаб қилиб шовқин-сурон кўтаришди.

Тез орада ҳамма четка сотиб бўлинди. Магазинларда бирорта ҳам тиш четкаси қолмади.

— Ҳаммаси жойида! — бениҳоя хурсандлигидан трубкага бақириб юборди Тютькин. — Жуда доимийсиз-да, Константин Андреевич. Ақлингизга тасанно!

— Бўпти-бўпти. — мамнун бўлиб жавоб берди савдо мудири кўзим очиқлигида ўрганиб қолинглар. Айтгандай. ўзимизникилар учун жилла бўлмаса бир-икки жуфт олиб қолдингми?

Эрталаб қарасам тиш четкам анча титилиб қолган экан...

— Йўқ! — қўрқиб кетди Тютькин.

— Майли. ташвишланма. бир гап бўлар! — кулиб юборди Константин Андреевич. — Областдан сотиб оламан. Энг асосийси — иш, шахсий манфаатлар эса кейин!..

Русчадан М. МИРҲАМИДОВ таржимаси.

ТЕКИНХЎР, ИЧКИЛИКБОЗ, БЕЗОРИЛАРГА ШАФҚАТ ИЎҚ!

КОНТЕЙНЕРГА ОРТИЛГАН ГИЛАМЛАР

Виктор Кириллович Курган областида шофёр бўлиб ишлаб, турли саноат моллари магазинларига уй-рўзғор буюмлари таширди. Ана шу туфайли шаҳардаги қатор магазинларнинг оддий сотувчиларидан тортиб, бошлиқларигача беш қўлдек танир, ҳеч биридан тортинмай лозим бўлганда ҳар қандай илтимос билан мурожаат қилаверарди. В. Реутовни айниқса «Темп», «Заураље», «Восточний» ва бошқа магазин мудирлари яхши билишарди.

Виктор Реутов кунлардан бир кун Чирчиқдаги қариндошлариникига меҳмон бўлиб келди. Қариндошлар бирга яшашга аҳдлашдилар. Гап айланиб Курган шаҳрида нима нарсалар бисёру, Чирчиқда нималар камёблигига келиб тақалди.

— Чет эл гарнитури, гилам ва палосларнинг бозори чаққон, — деди Галина Викторовна Токарева меҳмонга.

Виктор Реутов ўйланиб қолди: гарнитурларни-ку, олиб келиш қийин, йўл узоқ. Яхшиси бир неча гилам ва палос олиб келиш керак. Ахир унинг магазинчи ошналари кўп-ку. Ҳар биридан биттадан илтимос қилиб олганда ҳам анча-мунча бўлади...

Эгри йўлга қадам қўйган. текинхўрлик билан даромад орттирмоқчи бўлган В. Реутов енгил-елпи рўзғор буюмлари билан бирга 20 та палос ва гиламни контейнерга урди. Хаш-паш деганда 12 тасини қўни-қўшниларга пуллади. Қолганини, бозорга олиб чиқиб, сотмоқчи бўлганида шаҳар ОБХСС ходимлари томонидан қўлга олинди.

— Олиб-сотар В. Реутов уйидан яна олтита турли ҳажмдаги гилам ва палослар чиқди. Уларнинг охори тўкилмаган эди, — дейди шаҳар ички ишлар бўлими ОБХСС бошлиғи милиция майори ўртоқ О. Далимов. Жиноятни очишда милиция ходимларидан Р. Тожиев, А. Этамбердиевлар хушёрлик кўрсатдилар. Мўмай пул ишқибози жазосини тортади.

Ш. АКБАРОВ.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва эълонлар

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.35 — Гимнастика. 9.55 — «Ўсмирлар ижоди». 10.25 — «Истеъдод» (бадиий фильм, 4-серия). 11.35 — «Ота-оналар сизлар учун». 12.05 — «Тонгги почта». 12.35 — Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик. 13.05 — Музей ва кўргазма залларн бўлаб. 15.45 — «Ҳамдўстлик». 16.15 — «Пушкинга бағишланади». 17.30 — «Хайвонот оламида». 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Мультфильм. 19.05 — «1978 йил қушиқлари». 19.35 — «Ваҳият» (фильм-спектакль). 21.30 — «Вақт». 22.00 — «Салом, фестиваль». 23.30 — Концерт. 00.15 — Янгиликлар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10— Бадиий ҳаваскорлар концерти. 11.45 — Ўқув кўрсатуви. 12.15 — «Ота-оналар университети». 12.45—«Оловни ташлама, Прометей» (спектакль). 14.45 — «Ўзбекистонда спорт». 17.40 — Мультфильм. 17.45 — «Санъат ғунчалари». 18.15 — «Ёшлик». 18.45 — «Ўзбекистон ягона оилада». 19.15 — «Ахборот». 19.30 — «Шеърият билан учрашув». А. Муҳтор. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — «Мен балерина» (фильм-концерт). 21.20 — Ҳужжатли фильм. 21.30 — «Вақт» (Москва). 22.00 — Гўза парваришини сифатли ўтказайлик. 22.15 — Концерт. 23.05 — Фильм-концерт.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

17.30 — Душанба кўрсатувлари.

11 ИЮНЬ, ЯКШАНБА МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.35 — «Зарядкага сафланинг». 9.55 — «Мусиқали киоск». 10.30 — «Будильник». 11.00 — «Совет Иттифоқига хизмат қиламан». 12.00 — «Капитан Немо» (бадиий фильм, 2-серия). 13.10 — Концерт. 13.30 — «Қишлоқ янгиликлари». 14.30 — Футбол. Италия — Аргентина. 16.00— «Бугун — енгил саноат ходимлари куни». 16.15 — Мусиқали программа. 17.00 — «Халқаро панорама». 17.35 — Фильм-концерт. 18.00 — Мультфильмлар. 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — «Киносаёҳатчилар клуби». 19.45 — Концерт. 20.15 — «Буюк эртакчининг сири» (бадиий фильм). 21.30 — «Вақт». 22.00 — Фильм-концерт. 22.35 — Ҳужжатли фильм. 22.45 — Футбол. Швеция — Испания.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Концерт. 11.20 — «Анжела» (телетеатр). 12.00 — «Кувноқ стартлар». 13.00 — «Бепоён Ватаним менинг». 13.15 — «Ўжарлар» (спектакль). 15.30 — Реклама. 17.40 — Болалар учун фильмлар. 18.05 — «Малишон». 18.35 — «Бугун — Енгил саноат ходимлари куни». 18.55 — «Ораста қийинайлик». 19.15 — «Ахборот». 19.30 — Концерт. 20.30 — «Ахборот». 20.45 — Цирк томошалари. 21.30 — «Вақт» (Москва). 22.00 — «Қишлоқ хўжалик ходимларининг шу кунги вазифалари». 22.10 — «Замон назм-навоси». Собир Абдулла.

ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

16.30 — Фрунзе кўрсатувлари.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 10/VI да Севги ҳақида қисса (билетлар сотилган).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 10/VI да Келинлар қўзголони (19.30).

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Москва давлат муз устида цирк артистларининг хайрлашув гастроллари (19.30).

Кино

ҚИШКИ БИНОДА

Елғончи — ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ НОМЛИ (12, 14, 16, 18, 20.30), «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Шарқий экспрессдаги қотиллик — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (12, 16, 20.00).

Ғайдуклар шарафи — «ДРУЖБА» (тоқ соатларда).

ЕЗГИ БИНОДА

Маринка, Янка ва Қирол қасрининг сири — «ХИВА» (20.45).

Музика садолари — «ФЕСТИВАЛЬ» (20.45).

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41 | Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325743; масъул секретарь 334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; маданият — 325558; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилишк — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; рассом — 325645; фотомухбир — 325894.

Р. 02497. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг, Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри, Индекс 64583. Д—2424.